

«Граф Монте-Кристо» Романида “Шарқона” Сифатлашининг Қўлланилиши

Давронова Зульфия Бобоевна¹

Аннотация: Ушбу мақолада буюк француз ёзувчиси А.Дюманинг Граф Монте-Кристо романида шарқ маданиятида кўплаб учрайдиган инсонийлик, шахс эркинлиги ва туйғулар гўзаллиги улуғланган. Роман қаҳрамонлари ўртасидаги меҳр-оқибат ва зиддиятлар муаллифнинг ниҳоятда кузатувчанлиги ва моҳирлиги асосида намоён этилган бу романда шарқ тасвирига кенг ўрин ажратилган.

Калит сўзлар: роман, шарқона урф-одатлар, сифатлашиш, тасвир, қиёфа, нуқт.

Таниқли француз адиби Александр Дюманинг “Граф Монте-Кристо” романида “шарқ” сўзининг ҳамда “шарқча” сифатлашининг кўп қўлланганига гувоҳ бўлиш мумкин. Жумладан, романда “шарқча зиёфат”, “шарқча жиҳозланган”, “Шарқда ном чиқарган”, “гулдор шарқ шойи либоси”, “шарқ тамакиси”, “Шарқ хумдорларидан бири”, “шарқлиларга хос ёқимли овози билан”, “шарқ урф-одатлари”, “шарқнинг ахлоқ тартиб-қоидалари”, “шарқнинг янглиш тушунчалари”, “шарқ аёллари”, “шарқча яшаш” каби ифода ва бирикмалар бу жиҳатдан алоҳида эътиборни тортади. Масалан, романинг бир ўрнида “Меҳмонларга шарқча зиёфат, шарқча бўлганда ҳам фақат араб сеҳргарларига хос зиёфат берилаётган эди”, - дейилса, яна бир ўрнида шундай тасвир келтирилган: “Меҳмонлар биноларини томоша қила бошлашди. Улар шарқчасига жиҳозланган эди”.

“Шарқ” сўзи романда кўпинча граф Монте-Кристо билан Альбернинг нутқида учрайди. Айтайлик, Альбер граф Монте-Кристоникада меҳмондалигида Гайдени кўриб: “Мен тамоман довдираб қолдим, бунинг сабаби маълум, қарашимда ҳақиқий Шарқ жавлон уриб турибди, ҳақиқий Шарқ, ўша мен ҳеч вақт кўрмаган ва фақат орзу қилган Шарқ”, - дейди. Альбернинг бу гапига жавобан Гаиде вазминлик билан шундай дейди: “Сизга Шарқ жуда ёқиб қолган экан, бўпти, мен ўзингизни худди Шарқда хис этадиган тарзда суҳбатлашаман.” Шундан сўнг, Альбер графдан “Рухсат этсангиз, у билан Шарқ тўғрисида гаплашсам” деб, Гаиде билан Шарқ ҳақида суҳбатлашиш учун унинг хўжаси саналган графдан расман рухсат сўрайди. Чунки Шарқ одатига кўра, шарқлик аёл билан суҳбатлашиш учун унинг хўжайинидан изн сўраш одати борлигидан Альбер хабардор эди.

Романда шарқ тасвирининг берилишида шарқона маиший турмуш тарзига алоқадор предметлар тасвирининг келтирилгани муҳим аҳамият касб этган. Жумладан, романда *япон ва хитой чинчилари ва гулдонлари, хитой ҳаммоми, араб чилими, араб отлари, турк қалин гиламлари, чодра, заррин қалпоқ ва шиппаклар, нимча, камар, диван, каштали болиши, шарқ тамакиси, хитой матоси, шарқ атласу шойиси* сингари бир қатор нарса-ходисалар номига алоҳида эътибор қаратилган.

Асарда грек қизи Гаиде билан боғлиқ ўринларда Шарқ тасвирига алоҳида ўрин ажратилгани кузатилади. Масалан, қиз яшайдиган шарқона шароит асарда қуйидагича таърифланган: “Граф хоналаридан тамом ажралиб турадиган хоналарда яшарди. Бу хоналарнинг ҳаммаси шарқча жиҳозланди; паркетга *қалин турк гилами* тўшалди, деворларга *кимхоблар* осилди, ҳамма хоналарнинг деворлари остига *диванлар* ўрнатилди, улар устига *болишлар* бетартиб ташлаб қўйилди. Қиз энг тўрдаги хонасида эди.... У диванга суянганча ерга солинган *зарҳал каштали*

¹ Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети катта ўқитувчиси



кўк атлас болишлар устида ёнбошлаб ётарди.... Унинг сахт-сумбати шундай эдики, агар унинг ўрнида француз аёли бўлганида шарқ аёллари учун табиий бу ҳолатни ноз-карашмага йўйишлари мумкин эди”.

Романда Гайде кийим-кечаклари тасвири мисолида шарқ аёлларининг кийиниши тасвири ҳам келтирилган. Унда шарқ аёлларининг тўпиғигача узун ва кенг лозим кийиши, кўйлагининг энги ҳам одатда кенг бўлиши, ёқаси бўйнигача беркитиб туриши, хуллас, шарқ аёллари оёқ-кўлларини, бўйни ва юзини номаҳрамлар нигоҳидан шу тарзда пана тутишига ишора қилинган. Шарқ аёллари кўйлаги устидан тугмали ва каштали нимча кийиб, яна қимматбаҳо тошлар билан безатилган камар тақиб юришгани уларнинг қадди-бастига ўзгача жозиба бахш этган. Шунингдек, уларнинг бош кийимлари, хусусан, зардўзи ва каштали гулдор қалпоғу дўппилари, оёққа кийиладиган заррин шиппаклари ҳам кўзни яшнатган.

Асарда яна Гайденнинг қиёфаси, юз тузилиши, қош-кўзи тасвири мисолида шарқ аёлларининг портрети чизиб кўрсатилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Тўғри, унда “грек аёли” деган алоҳида таъкид келтирилган эса-да, лекин қизнинг отаси турк бўлганлиги сабабли унинг қиёфасида шарқона кўриниш зуҳурлангани аёнлашади: “Юзи грек аёлларига хос зеболикнинг энг мукамал намунаси эди: хумор қора кўз, тик бурун, қип-қизил лаблар, садафдай тишлар. Мана бу беқиёс гўзалликни ёшлик баҳори ўзининг бутун латофати билан порлатиб турарди. Гайде эндигина ўн тўққиз ёки йигирма баҳорни кўрган эди”.

Граф Монте-Кристо оксоч грек аёлини чақириб Гайдедан ҳузурига кириш учун руҳсат сўрашни буюради. У ҳеч қачон қизнинг ҳузурига бесўроқ кирмайди. Бу билан у шарқона одатга, эркаларнинг аёллар, аёлларнинг эса эркалар ҳузурига тўппадан-тўғри, изнсиз кирмаслик урфига қатъий амал қилишини ва айни пайтда, бу одатни ҳурмат қилишини намоён этади.

Граф Монте-Кристо Гайде билан бир суҳбатида шундай дейди: “Менга қара, шаоққа хос зоҳидлик, яъни жамиятдан ажралиб яшашга эҳтимол Парижда имкон бўлмас. Римда, Флоренцияда, Миланда ва Мадридда қилганингдек, шимолий мамлакатларнинг урф-одатларини ўрган, бунинг ҳамма ерда, Шарққа қайтганингда ҳам сенга нафи тегади”. Ёш қиз катта-катта кўзларини графга тикиб: “Ёки шарққа қайтамыз, демокчимисиз, бегим?” – деб сўрайди. Кўриниб турибдики, қиз граф Монте-Кристога шарқ аёллари эрига “бегим” деб мурожаат қилишлари каби шу сўз орқали мурожаат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, инсонийлик, шахс эркинлиги ва туйғулар гўзаллиги улуғланган, қаҳрамонлар ўртасидаги меҳр-оқибат ва зиддиятлар муаллифнинг ниҳоятда кузатувчанлиги ва моҳирлиги асосида намоён этилган бу романда шарқ тасвирига кенг ўрин ажратилгани бежизга эмас. Бунга, биринчидан, романининг бош қаҳрамони граф Монте-Кристонинг табиатан кўпгина шарқ урф-одатларига амал қиладиган зот экани сабаб бўлсада, иккинчидан, шарқда қасос олиш ҳуқуқини ўзида сақламоқчи бўлган одамнинг ўзи учун азиз бўлган ҳар нарсадан воз кечишга тайёр туришидир. Бу бош қаҳрамон тили билан айтганда “шарққа хос зоҳидлик”дир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Драйтова Э. М. Повседневная жизнь Дюма и его героев. Москва, Молодая гвардия, 2005. 505 с.
2. Дюма А. Граф Монте-Кристо. Роман в 2х томах. Издательство: «Ёшлар матбуоти», Ташкент 2023. Часть 1 - 656 стр., часть 2 - 592 стр.

